


2020 йил якунига кўра Автомобиль йўллари қўмитасининг асосий фаолият кўрсаткичлари тўғрисида тахлилий МАЪЛУМОТ

Т/р	Асосий фаолият тури бўйича кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2019 йил амалда	2020 йил амалда	Ўтган йилга нисбатан(%)
	Бажарилган иш хажми, жами	млрд.сўм	4753,2	4122,1	86,7
	шу жумладан:				
1	Инвеститсия дастури бўйича	млрд.сўм	1158,1	1189,1	102,6
		км	101,4	105,9	104,4
2	Тўла таъмирлаш ишлари	млрд.сўм	415,8	352,7	84,8
		км	86,7	114,2	131,7
3	Минтақавий йўллари таъмирлаш	млрд.сўм	1802,6	1221,2	67,7
		км	7673,5	2496,9	33,0
4	Умумий фойдаланувдаги автомобил йўллари жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари	млрд.сўм	1376,7	1359,1	98,7
		км	3350,0	2308,0	69,0
5	Янги ишжойларини яратиш	киши	280	11774	42 баробар

Қўмита тизимидагикорхона ва ташкилотлар 2019 йил давомида Инвестиция дастурига асосан умумий фойдаланишдагиавтомобиль йўлларида 1189.1 млрд. сўмлик қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Ушбукўрсаткич 2018 йилнинг худди шу даврига нисбатан 102.6 фоизни ташкил этади.

Бундан ташқари тўлатаъмирлаш дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 352.7 млрд.сўмлик таъмир ишлари бажарилди. Бу кўрсаткич эса ўтган йилга нисбатан 84 фоизга ошган.


2018-2019 йиллар якунига кўра асосий фаолият кўрсаткичларининг таққослама диаграммаси



2020 йил якуни бўйича Республикамиздаги 2496.9 км минтақавий автомобиль йўллари таъмирланди. Шужумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 100.6 км, Андижонда 301,0 км, Бухорода 149.8 км, Жиззахда 132.7 км, Қашқадарёда 246.9 км, Навоийда 110.8 км, Наманганда 104.4 км, Самарқандда 220.1 км, Сурхандарёда 230.4 км, Сирдарёда 215.4 км, Тошкент вилоятида 130.0 км, Фарғонада 261.1 км, Хоразмда 149.8 км ҳамда Тошкентшаҳрида 143.8 км минтақавий автомобиль йўлларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Минтақавий ички йўллар таъмири хажми эса ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 33.0 фоизни ташкил этади.

2020 йил якунига кўра минтақавий автомобиль йўллари таъмирлаш (худудлар кесимидаги

диаграмма)



2020 йил давомида Республика бўйича автомобиль йўлларида 42695 км узунликдаги йўллардан 2496.9 кмдан иборат қисмида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларнинг ҳолати яхшиланди. Буэса 2018 йилга қараганда 102.5 фоизни ташкил этади.

Тизим корхонлари томонидан 2020 йилда 11774 та янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткич эса 2019 йилининг мос равишдаги тегишли даврига қараганда 42 фоизни ташкил этади.

Корхонлар томонидан қора металл чиқиндилари топшириш кўрсаткичи 2020 йилда 15003тоннани ташкил этади. Бу эса ўтган йилга қараганда 94,0 фоизни ташкилэтади.

Хулоса қилиб айтганда, Автомобиль йўллари қўмитасининг 2019 йилда – умумий бажарилган ишлар ҳажми – 4122.1 млрд. сўмдан иборат. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 86.7 фоизни ташкилётганлигини кўрсатади.